
Эл азиз, инсон азиз!

Олтиариқ тумани Тошобод МФЙ ҳудудида жойлашган 38-умумтаълим мактабида Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, Ёшлар агентлиги туман бўлими ва "Олтиариқ-Повулғон-саховат" гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан "Эл азиз, инсон азиз" шиори остида "Мустақиллик шукронаси" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Маҳалла нуронийлари ва ёшлар иштирок этган тадбирда Тошобод МФЙ раиси О. Ҳожирахимов сўзга чиқиб, йигилганларни байрам билан муборакбод этди.

Туман маданият уйи санъаткорлари Убайдулло Тўланбоев, Иномжон Ўктамжонов ва бошқа умидли ёшлар томонидан ижро этилган қўшиқлар, фаҳрий педагог Зарифахон ая Мамажонова томонидан билдирилган миннатдорчилик сўзлари, Холинисо ая Эркаева ижросидаги лапарлар ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбир давомида ўзининг билим ва иқтидори, юсак салоҳияти, ақлу заковати билан юқори натижаларга эришган ёшларимизнинг ота-оналарига Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси томонидан ташаккурнома ва китоблар топширилди.

2022-08-25 17:33:48